

**МАВЗУ: ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ.
РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

МАВЗУ: ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Режа:

- 1. Интерфаол методлар мазмуни ва уларнинг қўлланилиши.**
- 2. Интерфаол таълим методлари турлари ва уларни таълим жараёнида қўллаш методикаси.**
- 3. Ривожлантирувчи таълим технологиялари ва усуллари.**

Интерфаол методлар

Интерфаол методлар деганда-таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади.

Интерфаол

тушунчаси инглиз тилида “interact”(рус тилида “интерактив”) тарзида ифодаланиб, луғавий нуқтаи назардан “inter” – ўзаро, “act” – ҳаракат қилмоқ каби маъноларни англатади

Интерфаол таълим

талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим.

Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам суҳбат (диалог)га асосланган ва бу суҳбат қуйидаги ўзаро муносабатлар шаклларида ташкил этилади:

- ❖ Ўқитувчи – таълим олувчи
- ❖ Анъанавий таълимдаги суҳбат иштирокчилари
- ❖ Ўқитувчи – таълим олувчи.

Америкалик психолог олимлар Р.Карникау ва Ф.Макэлроунинг ўрганишларига кўра, шахснинг табиий физиологик-психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради.

Яъни шахс:

- ✓ манбани ўзи ўқиганида 10 %;
- ✓ маълумотни эшитганида 20 %;
- ✓ содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўрганида 30 %;
- ✓ содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни эшитганида 50 %;
- ✓ маълумот (ахборот)ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларини намойиш этганида) 80 %;
- ✓ ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот)ларни ўз фаолиятига татбиқ этганида 90 % ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга экан.

Одатда интерфаол методларга асосланган таълимий ҳаракатлар қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- индивидуал;
- жуфтлик;
- гуруҳ;
- жамоа билан ишлаш.

Hozirgi kunda eng ommaviy interfaol ta'lim metodlari


- * **Interfaol metodlar.** “Keys-stadi” (yoki “O’quv keyslari”), “Blist-so’rov”, “Modellashtirish”, “Ijodiy ish”, “Muammoli ta’lim” va b.
- * **Interfaol ta’lim strategiyalari.** “Aqliy hujum”, “Bumerang”, “Galereya”, “Zig-zag”, “Zinama-zina”, “Muzyorar”, “Rotastiya”, “Yumaloqlangan qor” va k. Interfaol ta’lim metodlari tarkibidan interfaol ta’lim strategiyalarini ajratishda guruh ishini tashkil qilishga yondashuv ma’lum ma’noda strategikyondashuvga qiyoslanishiga asoslaniladi. Aslida bu strategiyalar ham ko’proq jihatdan interfaol ta’lim metodlariga tegishli bo’lib, ularning orasida boshqa farqlar yo’q.
- * **Interfaol grafik organayzerlar.** “Baliq skeleti”, “BBB”, “Konsteptual jadval”, “Venn diagrammasi”, “T-jadval”, “Insert”, “Klaster”, “Nima uchun?”, “Qanday?” va b. Interfaol grafik organayzerlarni ajratishda bunday mashg’ulotlarda asosiy fikrlar turli grafik shakllarda yozma ko’rinishda ifodalanishiga asoslaniladi. Aslida bu grafik organayzerlar bilan ishlash ham ko’proq jihatdan interfaol ta’lim metodlariga tegishli bo’lib, ularning orasida boshqa farqlar yo’q.

"АҚЛИЙ ҲУЖУМ" МЕТОДИ

"АҚЛИЙ ҲУЖУМ" методи-

бирор муаммо бўйича ўқувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир.

* **«АҚЛИЙ ХУЖУМ»
методининг тузилмаси**



“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ» МЕТОДИ

“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” методи-


таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.





«КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ»

МЕТОДИНИНГ ТУЗИЛМАСИ



"МУАММОЛИ ВАЗИЯТ"

МЕТОДИ

"МУАММОЛИ ВАЗИЯТ" методи—

таълим олувчиларда муаммоли
вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил
қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш
бўйича кўникмаларини шакллантиришга
қаратилган методдир.



«МУАММОЛИ ВАЗИЯТ» МЕТОДИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

Муаммоли вазият тавсифи берилади

Гуруҳлар муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш
сабабларини аниқлайдилар

Гуруҳлар муаммоли вазиятнинг оқибатлари тўғрисида
фикр юритадилар

Гуруҳлар муаммоли вазиятни ечиш йўллари
ни ишлаб чиқадиладар

Тўғри ечимлар танлаб олинади

“ДАВРА СУҲБАТИ” методи-

айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан ўқувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган методдир.





«ДАВРА СУХБАТИ» методининг (ёзма кўриниши) тузилмаси

Сухбатни ўтказиш шартлари билан таништириш

Конвертлар ва “Жавоблар варақалари”ни тарқатиш

Конвертга мавзу бўйича савол ёзиш

Конвертни ёнидаги ўқувчига узатиш

Саволга жавоб ёзиш

Таҳлил қилиш ва баҳолаш


“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

“БАҲС -МУНОЗАРА” методи-

бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс-мунозара ва фикр алмашув тарзида ўтказиладиган методдир.



«БАҲС-МУНОЗАРА» МЕТОДИНИНГ ТУЗИЛМАСИ



"ЛОЙИҲА" МЕТОДИ

«ЛОЙИҲА» методи-

таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир.



«ЛОЙИҲА» МЕТОДИНИНГ ТУЗИЛМАСИ



Ривожлантирувчи таълим технологиялари ва усуллари.

Ривожлантирувчи таълим маълум бир вақтда, ўқувчининг таълимий, тарбиявий, маънавий, руҳий ва жисмоний ривожлантириш ҳамда уни тез ўзгарувчан дунёда жамиятга, ҳаётга мослашувини таъминловчи таълим назариясидир.

Ўз келажагини ўйлаган ҳар бир давлат жамият ҳаётидаги шахсга тааллуқли барча ижтимоий таъсирларни инсоннинг ривожланиши учун, унинг ўзлигини англаши ва намоён қила олиши учун мақсадли равишда йўналтира олган бўлиши керак.

Ривожлантирувчи таълим технологиялар қўлланганда, ўқувчилар қизиқишининг ортишига, билимларнинг кўникмага айланишига, билим сифат-самарадорлигининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Ривожлантирувчи таълимнинг мақсади - Ўқувчиларда мантиқий, танқидий, таҳлилий, ижодий фикрлашни ривожлантириш орқали баркамол шахсни шакллантиришдан иборатдир.

Ривожлантирувчи таълимнинг вазифаси - шахснинг индивидуал камол топиши учун зарур бўладиган ҳаётий кўникма ва малакаларини ривожлантириш саналади.

Ривожлантирувчи таълимнинг ўзига хос хусусиятлари - ўқувчиларда топшириқларни ечишга оид назарий тушунча ва амалий кўникма, малакаларни шакллантиради. Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Ривожлантирувчи таълимнинг асосий йўналишлари:

1. Муаммоли таълим.
2. Эвристик таълим.
3. Тадқиқотчилик таълим.
4. ИМЕН (ихтирочилик масалаларини ечиш назарияси)

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг етакчи тамойиллари:

- инкорпорация(тизимли фаолият кўрсатиш)-турли фанларга оид билимларни умумлаштириш;
- мосланувчанлик-таълим шакли, усули ва усулларининг турли таълим муассасаларида қўлланувчанлиги;
- уйғунлик-муаян ўқув предметига оид ўқув материали мазмунининг шахсини ривожлантириш шакл, усули ва усуллар билан уйғунлиги;
- яратувчанлик-турли таълим муассасалари педагогларининг педагогик технологияларини яратиш имкониятлари;
- табиийликка асосланиш- генетик ва ижтимоий жиҳатларга мувофиқ ўқувчиларнинг ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олишдан иборатдир.

Ривожлантирувчи таълимнинг айрим технология ва усуллари:

Технологиялар	Усуллар
Бумеранг	Ақлий ҳужум
ФСМУ	Гуруҳларда ишлаш
Венн диаграммаси	Ролли ўйин
Балиқ склети	Ишбилармонлик ўйини
Елпиғич	Рефлексия
Занжир	Тақдимот
Зинама-зина	Галерея
6x6x6	Т жадвал
Дидактик ўйин	SWOT таҳлил
Икки ёқлама кундалик	Резюме